

АЛКОГОЛИЗМГА ЧАЛИНГАН БЕМОРЛАРНИНГ ТУРЛИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ЁРДАМИДА ЎЗ-ЎЗИНИ ДАВОЛАШ МУАММОСИНИНГ ДОЛЗАРБЛИЛИГИ**С. Л. Баймиров, У. У. Очилов**

Самарқанд давлат тиббиёт университети, Самарқанд, Ўзбекистон

Таянч сўзлар: алкоголизм, тобелик, психофаол восита, ностероид, суиистеъмол қилиш, ўз-ўзини даволаш.**Ключевые слова:** алкоголизм, зависимость, психоактивные вещества, нестероиды, злоупотребление, самолечение.**Key words:** alcoholism, addiction, psychoactive substances, non-steroids, abuse, self-medication.

2024 йилнинг биринчи чорагида 18-60 ёшли 93 нафар Республика ихтисослаштирилган наркология илмий-амалий тиббиёт марказини Самарқанд вилоят минтақавий филиалининг стационар бўлимларида даволанаётган ва ўз ихтиёрига қўра танлаб олинган алкогольга тобе бўлган беморлар ўртасида сўровнома ўтказилди. Сўровнома стандартлаштирилган бўлиб, унда дори воситаларини охириги бир йил давомида шифокор кўрсатмасисиз бир ҳафта ва ундан кўпроқ муддатда истеъмол қилаётганлиги ва дори воситаларини қандай, тиббий ёки нотиббий мақсадларда истеъмол қилганликлари аниқланди. Алкоголга тобе бўлган беморларда турли дори воситаларини охириги бир йил давомида суиистеъмол қилганликлари ва дори воситалари ёрдамида ўз-ўзини даволашга уринишлар ва дори воситасининг ўз таъсиридан ташқари мақсадларда ҳам истеъмол қилганлик ҳолатлари аниқланди. Натижада ушбу дори воситаларини беморлар ўртасида нотиббий мақсадларда суиистеъмол қилиш ҳолатларини аниқлашга эришилди.

АКТУАЛЬНОСТЬ ПРОБЛЕМЫ САМОЛЕЧЕНИЯ С ПОМОЩЬЮ РАЗЛИЧНЫХ ЛЕКАРСТВЕННЫХ ПРЕПАРАТОВ БОЛЬНЫХ С АЛКОГОЛЬНОЙ ЗАВИСИМОСТЬЮ**С. Л. Баймиров, У. У. Очилов**

Самарқандский государственный медицинский университет, Самарқанд, Узбекистан

В первом квартале 2024 года нами было проведено анкетирование среди 93 больных алкоголизмом в возрасте 18-60 лет, находившихся на лечении в стационарах Самарқандского областного филиала Республиканского специализированного наркологического научно-практического медицинского центра и отобранных по собственному усмотрению. Анкета была стандартизирована, чтобы определить, принимали ли они лекарства в течение недели или более в течение последнего года без указания врача, и как они принимали лекарства, в медицинских или немедицинских целях. Установлено, что пациенты с алкогольной зависимостью в течение последнего года злоупотребляли различными лекарственными препаратами, пытались заниматься самолечением лекарственными препаратами, а также употребляли лекарственные препараты, выходящие за рамки действия самого препарата. В результате было достигнуто выявление случаев злоупотребления этими препаратами среди пациентов в немедицинских целях.

RELEVANCE OF THE PROBLEM OF SELF-MEDICATION WITH THE HELP OF VARIOUS MEDICINES IN PATIENTS WITH ALCOHOL ADDICTION**S. L. Baymirov, U. U. Ochilov**

Samarkand State Medical University, Samarkand, Uzbekistan

In the first quarter of 2024, we conducted a survey among 93 patients with alcoholism aged 18-60 years, who were treated in hospitals of the Samarkand regional branch of the Republican Specialized Narcological Scientific and Practical Medical Center and were selected at our own discretion. The questionnaire was standardized to determine whether they had taken medication for a week or more during the past year without a doctor's direction, and how they took the medication, for medical or non-medical purposes. It was found that patients with alcohol addiction over the past year have abused various medications, tried to self-medicate with medications, and also used medications beyond the scope of action of the medication itself. As a result, cases of abuse of these drugs among patients for non-medical purposes were identified.

Ўз-ўзини даволаш муаммосининг долзарблиги, айниқса алкогольга қарам бўлган беморлар ўртасида, нисбатан кўпроқ учраши шубҳасиздир. Тадқиқотнинг асосий мақсади абстиненция белгиларини бартараф этиш учун мўлжалланган дори-дармонларни нотўғри қўлланилишини таҳлил қилиш ва дори воситасининг асосий кўрсатмаларидан ташқари таъсири учун қўллаш частотасини аниқлаш кабиладир.

Спиртли ичимликлар - этил спирти, этанол, минтақада энг кенг тарқалган психофаол моддалар қаторига киритилган бўлиб, асаб тизимида депрессив таъсир кўрсатади. Спиртли ичимликларни истеъмол қилиш ҳозирда дунё миқёсида соғлиқни сақлашнинг учта асосий устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Умуман олганда, дунё аҳолисининг фақат ярми спиртли ичимликларни истеъмол қилишига қарамай, бу чекиш ҳамда юқори қон босимидан кейин касаллик ва эрта ўлим хавфи бўйича дунёда учинчи ўринда туради (ЖССТ. Int/ru/

news-room/fact-sheets/detail/alcohol 2022).

Дори воситаларини суиистеъмол қилиш, истеъмол қилган шахснинг руҳиятига, тана-сига ёки бошқа одамларга салбий таъсир кўрсатиши билан тавсифланади. Агар суиистеъмол қилиш узоқ вақт давом этса, бу ўрганиб қолиш ва захарвандликнинг ривожланишига олиб келади. 20 ёшдан 40 ёшгача бўлган ёшлар опиоид оғриқ қолдирувчи воситаларга қарам бўлиш эҳтимоли кўпроқ. Эркаклар бундай тобеликка кўпроқ мойил. Тобелик аста-секин ривожланади. Дори воситалари ёрдамида анъанавий даволанишдан ва уларга тобелик синдромига ўтиш секин содир бўлади (Немис психиатрия ва психотерапия, психосоматика ва неврология жамияти 2021).

Узоқ муддатли спиртли ичимликларни истеъмол қилиш ва оғриқ синдроми ўртасида боғлиқлик мавжуд. Алкоголга қарамлик бўлган беморлар алкогольга қарамлик бўлмаган беморларга қараганда аналгетикларга кўпроқ муҳтож бўлишади. Алкоголга тобелик билан оғриган беморларда оғриқ синдромларини тарқалиши кўпроқ ва шунинг учун ностероид аналгетикларни суиистеъмол қилиш хавфи юқори бўлган. Спиртли ичимликлар ва опиоидлар марказий асаб тизимига антидепрессив таъсири бўлганлиги сабабли, алкогольга тобе бўлган беморларда ностероид аналгетикларни дозасини ошириб юбориш хавфи сезиларли юқори (Yedy Israel., et.al 2019).


Таркибида дицикломин гидрохлорид сақловчи дори воситаларидан захарланишнинг асосий белгиларидан, марказий асаб тизимининг қўзғалувчанлиги, тахикардия ва мидриаздир. Психомотор қўзғалиш ва галлюцинациялар ўртача ва оғир захарланишда намоён бўлиши кузатилган. Триган Д билан захарланганда, ўсмирлар назоратсиз бўлиб қоладилар, уларнинг атроф-муҳитга ва одамларга, шу жумладан яқинларига реакциялари етарлича бўлмайди. Болалар билан оғзаки алоқа ўрнатиш дастлаб қийин, кейин эса деярли имконсиздир. Ҳаракатларни мувофиқлаштириш, айниқса юриш пайтида бузилади. Жиддий захарланишда галлюцинациялар ва психоз пайдо бўлади. Галлюцинациялар кўпинча ўсмирларнинг бирор нарса йиғиш, ҳашаротларни тутиш, яшириш ёки кимдандир кўрқишда намоён бўлади. Юрак тезлигининг ошиши, айниқса, галлюцинациялар пайтида, дақиқада 100 дан 160 гача кўзатилади (Фадеев А.А., ва ҳаммуаллифлар 2011). Ушбу дори воситаларини Ўзбекистон бозорида Бралгет, Гее Баралгин номлари билан аналоглари учрайди.

Тадқиқотнинг мақсади: Алкоголизмга тобе бўлган беморлар ўртасида турли дори воситалар суиистеъмолини стандартлаштирилган сўровнома асосида аниқлаш.

Тадқиқот объекти ва усуллари. Республика ихтисослаштирилган наркология илмий-амалий тиббиёт марказининг Самарқанд вилоят филиалида, 2024 йилнинг биринчи чорагида алкогольизмга чалинган беморлар ўртасида сўровнома ўтказилди. Сўровномада 93 нафар (n-93) “Алкоголга тобелик синдроми II-босқичи” ташҳиси билан даволанаётган беморлар иштирок этди. Уларнинг барчаси эркак жинсига мансуб бўлиб ўртача ёш кўрсаткичлари 8,0% 46-60 ёш, 9,1% 18-25 ёш, 37,5% 36-45 ёш ҳамда 45,5% ни 25-35 ёшдагиларни ташкил этди. Сўровнома стандартлаштирилган бўлиб, унда дори воситаларини охириги бир йил давомида шифокор кўрсатмасисиз бир ҳафта ва ундан кўпроқ муддатда истеъмол қилаётган ўз ихтиёри билан танлаб олинган беморлар ўртасида ўтказилди.

Ўз-ўзини даволаш усуллари аниқлаш учун стандартлаштирилган сўровнома, жумладан, ўтган йил давомида шифокорнинг рецептисиз 7 кун ёки ундан кўпроқ вақт давомида дори-дармонларни қўллаш тўғрисидаги саволлардан фойдаланилди. Дори воситаларини истеъмол қилиш сабаблари ҳақида маълумотлар тўпланди. Таҳлиллар, фойдаланиш уларнинг асосий таъсирига мос келадими ёки йўқми ва улар этикеткадан ташқари кўрсаткичлар учун ишлатилганми ёки йўқлигини аниқлаш мақсадлари учун ўтказилди.


Тадқиқот натижалари. Аниқланган маълумотлар шуни кўрсатадики, спиртли ичимликларга қарам бўлган беморлар дори-дармонларни бевосита кўрсатмалардан ташқари ишлатишга мойил. Шу билан бирга, 93 беморнинг баъзилари бир вақтнинг ўзида бир нечта дори-дармонларни қабул қилишлари мумкинлигини ҳам ҳисобга олинди. Сўровнома куйидагича натижаларни кўрсатди; алкогольга қарам бўлган беморларнинг 21,5% Анальгин, 10,8% Баралгин, 21,5% Бралгет ва Гее Баралгин, 17,2% Нафтизин ёки Нафозолин бурун томчилари, 20,4% Цитрамон каби дори воситалари билан мустақил равишда даволанган. 9,7% Кветиапин, 5,4% Валокардин ёки Корвалол, 1,1% Тропикамид кўз томчилари ва 3,2% шифокор рецептисиз 1 ҳафта ёки ундан кўпроқ вақт давомида бошқа дориларни қўллаш хо-



1 расм. Беморларнинг қайси турдаги дори воситаларини охириги бир йил давомида бир ҳафта ёки ундан кўпроқ муддат давомида истеъмол қилиш натижалари, n=93.

латлари кузатиш (1-расм).

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, Анальгин 27,3% ҳолларда бош оғриғини йўқотиш учун кўрсатмаларга кўра ишлатилган, шунингдек 72,7% ҳолларда кўрсатмаларга кўра эмаслиги аниқланди. Бош оғриғи белгиларини бартараф этиш учун буюрилган Цитрамон 94,8% ҳолларда кўрсатмаларга мувофиқ ишлатилган. Седатив таъсири учун ишлатиладиган Валокордин ва Корвалол 100% ҳолларда кўрсатмаларга мувофиқ ишлатилган. Ташвишни йўқотиш ва уйқуни енгиллаштириш учун мўлжалланган Кветиапин 100% ҳолларда кўрсатилгандек ишлатилган. Баралгин 100% ҳолатларда асосий кўрсатмадан ташқари мақсадларда қўлланилган. Яъни абстиненция синдроми белгиларини бартараф этиш учун ишлатилган. Шунингдек Нафтизин бурун томчиси 93,7% ҳолатларда ваҳимани камайтириш ва хотиржамлик учун, 6,3% ҳолатларда кайфиятни кўтариш ва тетиклик мақсадларида фойдаланилган. Бу ҳолатда Нафтизиннинг асосий кўрсатмаси яъни юқори нафас йўллари ўтказувчанлигини тиклаш, шиллик пардаларда шишларни камайтириш эмас балки бошқа мақсадларда фойдаланилган (2 расм).



2 расм. Дори воситаларини қайси мақсадларни истеъмол қилганлик кўрсаткичлари, n=93.

Хулосалар: Тадқиқот спиртли ичимликларга қарам бўлган беморларда доридармонларни қўллаш ва мақсадли профилактик дастурларини амалга оширишни диққат билан кузатиб бориш зарурлигини таъкидлайди.

Беморларни ўз-ўзини даволашга уринишларини олдини олишга қаратилган устувор профилактик дастур ва тавсияномалар ишлаб чиқишга эҳтиёжлар мавжуд.

Дори воситаларидан номақбул фойдаланишнинг олдини олишнинг самарали тизимини яратиш бўйича бу борадаги илмий ишларни давом эттириш зарур.

Шунингдек дори воситаларини суиистеъмоли алкоголизмнинг клиник манзарасига таъсири ҳамда соматик ўзгаришларни ифодалаш учун клиник-психологик ва лаборатор текширувлар ўтказишни ва уларнинг клиник ва психологик натижаларини таҳлил этишни талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ашуров З.Ш., Шин З.В. Клинико-психопатологические особенности аддиктивных расстройств у больных с девиантным поведением и их родственников // “Актуальные проблемы психиатрии и наркологии в современных условиях”. Международная научно-практическая конференция. – Чита. 14-15 мая 2015. — С.16-19.
2. Ашуров З.Ш., Хайрединава И.И. Характеристика агрессии и отклонения от нормального социального функционирования в структуре девиантного поведения больных алкоголизмом // Медицинский журнал Узбекистана. – Ташкент, 2013. – № 2. – С. 32-34.
3. Каратеев А.Е. Ассоциация ревматологов России, Российское общество по изучению боли, Российская гастроэнтерологическая ассоциация, Российское кардиологическое общество., Рациональное применение нестероидных противовоспалительных препаратов в клинической практике (клинические рекомендации). //Журнал неврологии и психиатрии. РФ.-Москва, 2015. -С70-82. (doi:10.17116/jnevro20151154170-82).
4. Очиллов У.У. и др. Оптимизация профилактики когнитивных и депрессивных расстройств при алкоголизме // Вестник науки и образования. – 2022. – №. 1-1 (121). – С.109-113.
5. Ушкалова Е.А. и др. Метамизол натрия: регуляторный статус в разных странах мира, проблемы безопасности и ошибки применения // Безопасность и риск фармакотерапии. - РФ. - Москва, 2022, -№4. -С.396-410. (doi.org/10.30895/2312-7821-2022-10-4).
6. Фадеев А.А. и др, Острые преднамеренные отравления медикаментозным препаратом «ТРИГАН - Д» у подростков. //Токсикологический вестник. - РФ. - Омск, 2011. - №2.-С.32-34.
7. Ходжаева Н.И., Ашуров З.Ш., Абдуллаева Г.К., Ким Д.П., Ропижонов А.И. Особенности мотивов у различных групп наркологических больных // Медицинский журнал Узбекистана. – Ташкент, 2014. – № 1. – С. 18-20.
8. Angela L., et al, Updated guidelines for the management of paracetamol poisoning in Australia and New Zealand. // Guideline summary Австралия.-Сидней, 2018.- С. 1-9. (doi:10.5694/mja2.50428)
9. Deborah Caseya, et al, Paracetamol self-poisoning: Epidemiological study of trends and patient characteristics from the multicentre study of self-harm in England //Journal of Affective Disorders. - Oxford, 2020. -№276.-С. 699-706. (elsevier.com/locate/jad).
10. Hoffmann F., et.ai, Agranulocytosis attributed to metamizole: an analysis of spontaneous reports in Eudra Vigilance 1985–2017. //Basic Clin Pharmacol Toxicol.- Oldenburg. Germany,-2022/ -№126.-С.(doi.org/10.1111/bcpt.13310).
11. Resham Ramkissoon., et al, Alcohol Use Disorder and Alcohol-Associated Liver Disease // Alcohol Research Current Reviews. Rochester, Minnesota. US, 2022.- №42.1.13.-С. 1-9. (doi.org/10.35946/arcr).
12. SHEEN C.L., et al, Paracetamol toxicity: epidemiology, prevention and costs to the health-care system. // Association of Physicians. Edinburgh.-UK, 2002.-С 609–619. (Q J Med 2002; 95:)
13. Turaev B., Velilyaeva A. Formation and course of alcoholism in young women with alcoholic psychosis //Eurasian Journal of Medical and Natural Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 6. – С. 226-232.
14. Usmanovich O. U. et al. Detection of adrenaline and stress conditions in patients using psychoactive substances with hiv infection //CUTTING EDGESCIENCE. – 2020. – С. 42.
15. Yedy Israel, et all, Aspirin and N-acetylcysteine co-administration markedly inhibit chronic ethanol intake and block relapse binge drinking: Role of neuroinflammation-oxidative stress self-perpetuation. //Addiction Biology Чили.- Сантьяго, 2019. – С. 1-13. (doi.org/10.1111/adb.12853).